



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BИЛАН POCСИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ УРТАСИДА ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА

ДЕКЛАРАЦИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда). эътироф этилган нормалари, яшаб турган мамлакатлари Конституциясига мувофиқ фуқаролик, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликлар берилишига қанолат берадилар.

нинг олдини олиш ва чек қилиш учун самарали тадбирларни қўлайдилар. 7-Модда Давлатлар Раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Хукуматларига қуйидаги битимлар (шартномалар) лойиҳаларини тайёрлашни топширадilar: — консуллик масалалари бўйича; — узаро ҳуқуқий ёрдам туғрисида; — бошқа давлат ҳудудида яшовчи бир давлат фуқаросининг фуқаролик ва ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар бўйича; — жиноятчилик, айниқса унинг уюшган шаклига қарши курашда узаро ҳам-

корликни кучайтириш туғрисида; — миграция билан боғлиқ масалалар бўйича. Қўраштилган ҳужжатларда, хусусан, қуйидагилар кўзда тутилган керак: — Ўзбекистон Республикаси ёки Россия Федерациясига доимий яшаш учун келаятган инқилаб давлатлар фуқароларининг яқин қариндошлари тегинчи фуқароликни қабул қилиши учун соддалаштирилган тартибни қанолатловчи қоидалар; — бошқа давлат ҳудудида яшовчи бир давлат фуқароси яшаётган давлатдаги фуқаролик билан бирга ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенглик, узаро келишиб олинган истиснолардан ташқари;

— бир давлат фуқаросининг бошқа давлат корхоналарида ва ташкилотларида контракт бўйича ишлашга руҳсат бериш, давлатларнинг тегинчи қонунчилигида кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно; — бир давлат фуқароларининг бошқа давлат ҳудудида ҳаракати ва яшаш билан боғлиқ расмий-чиликларни имкони борича соддалаштириш; — инқилаб давлатлар фуқароларининг эркин виизасиз, ҳеч қандай солиқларсиз, рўйхатда олишсиз ва бошқа маъмурий чеклашларсиз сафар қилишлари учун қанолатлар, қонун-бузарчилик ва учинчи давлатларга чиқиб кетиш ҳоллари бундан истисно;

— фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Россия Федерацияси ҳудудига ўтишлари ва аксинча, уларнинг шахсий юкларини боғхона текширувларидан ўтказишни бекор қилиш, фақат қурол, наркотик ва психотроп моддалар, валюта ва маданий зийнатларни олиб чиқиб кетилаётганига етарли асослар мавжудлиги ёки боғхонанинг бошқа қоидалари бузилиши мумкин бўлган ҳоллар бундан истисно; — миллий валюталарнинг эркин алмашуви ва алмашиш пунктлари ташкил этилиши ва фуқаролар ва юридик шахсларнинг пул активларини бир давлатдан иккинчисига ўтказишнинг таъминлаши; — бошқа давлат ҳудудида яшовчи бир давлат фуқаросига, ўз мулкни сотиб олиш, эгаллик қилиш, сотиш, ёки ижтимоий ҳаётдаги мулкни бошқа шаклларда ишлата олишини қанолатлаш.

8-Модда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси бундан кейин ҳам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мустаҳкамлашишига ва унинг доирасида улар иштирокида имзоланган шартномалар ва битимларнинг амалга оширилишига ҳар томонлама қўмақлашадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ. Россия Федерацияси Президенти В. Н. ЕЛЬЦИН. Москва, 1994 йил 2 март. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига сафари чоғида имзоланган бошқа ҳужжатлар газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади).



ФАБРИКА ФАКС ҚОҒОЗИ ЧИҚАРАДИ Санкт-Петербург шаҳри яқинида факс-аппаратлар учун махсус қоғоз ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ишга тушиш арафасида.

Дастлабки жамғармаси 1 миллион доллардан иборат бўлган қўшма корхона Япония, Финляндия ва Россия фирмалари ҳамкорлигида қурилади. У ишга тушгач, ойига ўртача 70 тонна факс қоғози ишлаб чиқаради.

БАҲОР КЕЛИШИДАН ҲЕЧ КИМ ҚУВОНМАДИ

Словакияга эрта келган баҳор бу йил деҳқонларга қувонч бахш этмади.

Баҳорги дала ишларини бошлаш учун хўжаликларда маблаг етишмапти, ҳужумат эса ўтган йилги дала ишлари учун деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қилгани йўқ. Банклар берадиган қарзнинг устам ҳақи юқорилиги бос 270 та кооператив хўжалик индиорозга уради. Деҳқонлар мамлакат банкирларига очiq хат билан ёрдам беришни сўрадилар. Словакия далалари уруғлик галла ва деҳқонни кутмоқда.

ҚУЛОҚҚА ҚУЙИЛАДИГАН ТЕРМОМЕТР

АМЕРИКАНИНГ «Днатек» фирмаси НАСА аэрокосмик лаборатория билан ҳамкорликда бемор ҳароратини 2 сонияда аниқлаб берадиган термометр яратди.

УНИНГ шу пайтгача ишлатиб келинаётган термометрдан фарқи шундаки, беморнинг қўл-термига эмас, қўлгоliga қўйлади. Бу инфрақизил тиббиёт асбоби фақат 0,1 даражага янглишиш мумкин. Аммо бемор ҳароратини 2 сонияда аниқлаб бера олгани учун унинг бу «хато»си кечирарлидир.

КУН ТАРТИБИДА ЯНА БОСНИЯ БРЮССЕЛЬ. Европа Иттифи

қи Кенгашнинг Ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги фавқулодда сессияси очилди.

Унда Европа Иттифиқага Австрия, Норвегия, Финляндия ва Швеция мамлакатларини қабул қилиш, Босния ва Герцеговинадаги ҳозирги вазият ва иттифоққа аъзо давлатларнинг унга муносабати билан боғлиқ масалалар қўриб чиқиладди.

РАҲБАРИАТ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Франция Коммунистик партиясининг XXVIII съезидан кейинги биринчи пленуми бўлиб ўтди.

РАТА-ТАСС муҳбирининг хабар беришча, пленумда компартиянинг маъмурий бошқарув тизими қайта ташкил этилган.

ПОРТЛАШ ҚИММАТГА ТУШДИ

Цзянсу вилоятидаги Сюжжоу кўмири қонида фалокат юз берди.

Навбатдаги ер ости портлатилиши туфайли силкиниш содир бўлди ва қонинг маълум қисмини босиб қолди. Натияжада 14 киши ҳалок бўлди, 700 нафар ишчи эса шовишлиқ қурилган чора-тадбирлар туфайли ўз вақтида қўтқариб қолинди, деб хабар беради Хитой ахборот маҳамаси.

ЭЛЛИК ФОНЗИ НУҚСОНЛИ ТУГИЛАЯПТИ

Ҳиндистонда болалар ўлими борган сари кўпаймоқда.

Бундан ташвишга тушган тиббиёт мутахассислари масаланинг туб сабабларини текширдилар. Маълум бўлишича, мамлакатда қизларнинг 75 фоизи 19 ёшгача турмушга чиқар экан. Уларнинг 50 фоиздан жисмоний камчиликлари бор, оғирлиги метр-ёрдан кам болалар дунёга келмоқда.

ФАЛОКАТ ОЕҚ ОСТИДА

Мамлакат полициясининг хабарига қўра, ой тақвими бўйича янги йилни нишонлаган Жа-нубий Кореяликлардан 91 киши байрам кўни автомобиль бўлагани натижада ҳалок бўлган, 3 минг 326 киши жароҳатланган.

Сеулда истиқомат қилувчи аҳолининг анча қисми қариндошлари, ёру биродарларини байрам билан табриклар учун кечкурун йўлга чиққан. Ичкилик ва чароқ натижа-сида фалокатлар рўй берган.

ЯПОНЛАРНИ МУЗ ҚОПЛАДИ

Япония пойтахтида қор ёғиб, кучли совуқ тушди.

Натижада серкватон автомобиль йўллари муз билан қопланди. Анчадан буюн бундай ёгингарчиликни кўрмаган одамлар табиий офатга тез қўника олмадилар. Вир кўннинг ўзида шаҳар тез ёрдамга 300 дан кўпроқ жароҳатланган киши мурожаат қилган.

КУНИГА ВИР МИЛЛИОН ДОЛЛАРДА ЗАРАР

Австралия денгиз транспортни компанияси олти кундан буюн порт ишчиларининг иш ташлаши оқибатида кўнига 1 миллион долларга яқин зарар кўрмоқда.

«Канберра таймс» газетасининг хабар беришича, иш ташлаш мамлакатдаги 13 бан-дархонни қамраб олган. Утган ҳафта Сид-ней порти раҳбарияти 55 нафар юк ташув-чини ишдан бўшатиб юборган эди. Ишчи-лар уларни қайта ишга олишни талаб эттишмоқда.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ В. Н. ЕЛЬЦИНГА

Қадри Ислон Абдуғаниевич ва Борис Николаевич! Сизлар эришган ахднома-лар, Ўзбекистон Президентининг Россияга ташири самийини ва дўстона вази-ятда ўтгани инқилаб давла-тизмиз ўзбек ва рус халқла-ри ўртасидаги азалий дўст-лик алоқаларини мустаҳкам-лаш йўлини қатъият билан ўтказаятганини, инқилаб мам-лакат ўртасидаги тенг ҳу-қуқли, яхши қўнчилик ва узаро фойдали муноса-батларни янада яхшилаш учун мумкин бўлган ҳамма-ишни қилаётганини яна бир бор яққол кўрсатди. Сизлар-нинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Фе-дерациясига биринчи расмий таширифининг муваффақи-ятли яқунлари билан чин дилдан табриклаймиз. Ўзе-бекистон ва Россиянинг мил-лионлаб фуқароларининг энг муҳим манфаатлари йў-лида мамлакатларимиз ўрта-сидаги ишончли ҳамкорлик-ни ва давлатлараро яхши муносабатларни мустаҳкам-лаш ишида сизларга личи-дан-янги ютуқлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Мўхтарам Ислон Абду-ғаниевич ва Борис Нико-лаевич! Биз, миллионлаб ўзбеки-стонликлар, россияликлар ва бошқа мустақил мамлакат-лар фуқаролари қатори Ўз-бекистон Республикаси Пре-зидентининг Россия Феде-рациясига кўни кеча тутаган таширифини эър қизиқиб ва ҳаяжон билан қуватиб тур-дик. Мамлакатларимиз халқ-лари бу ташири инки қар-дош халқ ва мустақил дав-лат ўртасидаги муносабат-ларда янги босқични бошлаб беришини кутган эдилар.

Таширифининг дастлабки яқунлариёқ умидларимиз рўйбга қикди дейиш учун асос бўла олади. Биз Ўзе-бекистон билан Россия ўрта-сидаги олий даражадаги амалий ва самарали муло-қотни кўрдик ва инқилаб давлат ўртасидаги муноса-батларнинг мустаҳкамлигини яна бир қарра ҳис этдик.

Сизлар бундан буюн ҳам инки давлат ўртасидаги узаро фойдали, анъанавий яхши қўнчилик муноса-батларини мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият беришингизни бизамиз, шун-инг учун ўз мулоҳазалари-мизни сизларга етказишни лозим топдик.

Мустақил, лекин узаро мустаҳкам боғлиқ бўлган давлатларимиз фуқарола-рини ҳозир нималар таш-вишга солмоқда?

Улар аввало, ўз фарзанд-лари ва неваралари кела-жани учун қўнғиллари тўқ бўлишини хоҳлайдилар. Улар миллати, дини, ти-ли, сиёсий эътиқоди ва ўзга

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

«Ўзқурилишматериаллари р и » давлат концерни ҳамда би-нокорлик материаллари иш-лаб чиқарадиган бошқа кор-хоналар ва ташкилотлар жойларда зарур бинокорлик материалларини биринчи галда хусусий уй-жой қура-ётган фуқароларга сотишни таъминласинлар.

10. Уй-жой қурилишини янада ривожлантириш мақ-садига корхоналар, муасса-салар ва ташкилотларга ўз маблагларини жамлашни, шунингдек, яқна тартибда уй-жой қуриш ёки уй-жой сотиб олиш учун махсус ўй-жой сўуда-жамғарма ҳисоб-китоб шарти билан; — хусусий иморат солувчи-ларга қурилиш қийматининг 50 фоизи миқдорда; — кўп болали, муҳтож оила-лардан хусусий иморат со-лувчилар учун кредитлар уй-жой қийматининг 70 фоиз миқдорда; 15 йил муд-датга йиллик 15 фоизлик ҳис-об-китоб шарти билан; — уй-жой қуриш коопера-тивларига қурилиш қийма-тининг 80 фоизи миқдорда. Кредит муддатидан илгари тўланганда фоиз миқ-дорлари қуйидагича камай-тирилади: уч йилгача — 50 фоиз, беш йилгача — 30 фоиз.

хусусий иморат солувчи-лар ва уй-жой қуриш кооперативларига имтиёзли на-рхларда бинокорлик мате-риаллари сотувчи корхона-ларнинг даромадларини қў-шимча қиймат солиғидан озод қилиш туғрисида;

ушбу фармоннинг 10-банди-даги шартларга мувофиқ уй-жой қурувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилот-ларнинг даромадларидан им-тиёзли солиқ олиш ҳақида;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, хусусий ва коопера-тив қурилиш соҳасида бино-корлик ҳамда махсус мон-таж ишларини амалга оши-рувчи пудрат, таъмирлаш-курилиш, махсус монтаж ташкилотларини бажариш-лик ишлар ҳамда учун қў-шимча қиймат солиғи тў-лашдан озод қилиш туғри-сида.

12. Ўзбекистон Республи-каси. Истиқболли белгилаш шартлар асосида ўз маблаг-ларини жамғариш учун мах-сус уй-жой сўуда-жамғарма ҳисоб-китоб шартини жорий этилсин.

Ўзбекистон жамғарма бан-ки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва бошқа банклари билан биргаликда бир ой му-ддат ичида махсус уй-жой сўуда-жамғарма ҳисоб-варақаларини амалга кири-тиш тартибини ишлаб чиқ-син.

13. Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар Маҳкамаси: ушбу фармонни бажариш-га доир тегишли қарорни 10 кун муддат ичида қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси-нинг амалдаги қонун ҳуж-жатларига мажбур фармон-дан келиб чиқадиган қў-шимчалар ва ўзгаришлар туғрисидаги тақлифларни бир ой муддат ичида тақ-дим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 март.

Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига АЛЛОМАГА БАҒИШЛАНГАН РИСОЛА

Ўзбекистон Фанлар Ака-демияси Махмуд Қошғарий номидаги тилшунослик ин-ститутининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Эргаш Умаров ўт-ган йили АҚШда илмий сафарда бўлди ва бу мам-лакат кутубхоналарида сақ-ланаётган, ўзоналарнинг ил-мий бисотимизда учрамай-диган айрим қўлемза асар-лардан нусха кўчириб қай-тди. Улар орасида шу пай-тгача илмий-адабий жамоат-чиликка маълум бўлмаган бениҳоя қимматли асар — Шайх Аҳмад бин Худойод Торозийнинг «Фунунун боло-га» рисоласи ҳам бор.

Бўлган. Рисоладан англа-шилшича, у даярининг бую-қ адабиётшуноси санал-ган. «Фунунун болога» ил-ми 1436—37 йилларда ёзилган. Аммо асарнинг кў-чирма олинган нусхаси ўн олтинчи асрда Бухорода қўрилган. Бу асарнинг кў-чирма нусхаси Англияда, Лон-дондаги Бодлиян кутубхона-сида сақланади. АҚШда унинг фотонусхаси мавжуд. Бизнинг қўлимиздаги кў-чималар ана шу фотонус-хадан олинган.

асар ёзмаган, деб юрар эдик. Шайх Аҳмаднинг маъ-кур китоби эса бу фикрни рад этди. «Фунунун боло-га» туркийда ёзилган ил-мий асар сифатида ҳам қўрилади. Маълумки, у замоналарда илмий асарлар, асосан, араб ва форс тил-ларида битилар эди. Биз институтимиз илмий кенгашида тилшуносу Эргаш Умаров билан бирга яқин-да мажбур асар ҳақида ах-борот бердик. Илмий кен-гаш ҳайъати мажбур рисо-ла бениҳоя катта қимматга эга эканини ҳисобга олиб, уни Мирзо Улугбек юбиле-йи таъналарига нашрга тайёрлаш лозим, деган ҳу-тобга келди ва бу ишни менга топширди. Ҳозиргача рисолаимнинг анча қисми нашрбон этиб таъйёрланди. Насиб этса, юбилей кўни-ларига у китоб бўлиб чиқа-ди. Муртазо ҚАРШИВОВ.

Фаоллар иштироки

ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Наманганда вилоят фаол-ларининг йиллиги бўлди. Бош вазирнинг биринчи йилги иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ис-лом Каримовнинг февраль ойида Вазирлар Маҳкамаси-нинг мажлисида сўзлаган нутқи асосида қишлоқ хўжа-лигида иқтисодий ислохот-ларни чуқурлаштириш, фер-мер ва деҳқон хўжаликлар-ини янада ривожлантириш вазифаларини муҳокама қил-дилар. (ҲАА муҳбири).

Таълимнинг

Истиқболли белгилаш шартлар асосида ўз маблаг-ларини жамғариш учун мах-сус уй-жой сўуда-жамғарма ҳисоб-китоб шартини жорий этилсин.

Таълимнинг

Истиқболли белгилаш шартлар асосида ўз маблаг-ларини жамғариш учун мах-сус уй-жой сўуда-жамғарма ҳисоб-китоб шартини жорий этилсин.

ҲАЁТ КЎЗИНИНГ ГАВҲАРИ - СИЗЛАР, ИСТИҚЛОЛ ЗАМИНИ МЕҲВАРИ - СИЗЛАР

ИСФАНДАРМУЗ - АЁЛЛАР АЙЁМИ

Онани эъозлаш туйғуси ҳаммадан аввал бизнинг аждодларимиз шуурини нурлантирган. Тарихимиз зарварларида бу ҳақда аниқ маълумот бор.

нигоҳи, она назаридан ҳеч нарса четда қолмаган. Шу сабабли бўлса керак, жамият бу буюк зот ҳурматини ўз ўрнига қўйиш учун барча масъулиятни бир кунгина Аёл зиммасидан олиб унга ахтиром сўзини қаратган бўлса ажаб эмас.

САҢЪАТ СЕҲРИ КУЛИБ БОҚҚАН БАХТ

«Ҳамза» номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг артисти Зухра Ашурованинг номи кўлларида яхши таниш. У яратган ўйлаб образлар, мухлисларда катта таассурот қолдириб. Мухбиримиз байрам арафасида ана шу истеъдод соҳибаси билан суҳбатлашди.



Зухра опа, аввало сизни 8 Март - Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклияман. Ишларингизга омад ва оилангизга бахт-саодат тилайман.

«Мехробдан чаён» романини ўқимаган ўзбек хондонни топилмас керак. Уни ўқитган сайин ўқингиз келди, ўзингча ҳар гал, янгидан-янги қирраларини кашф қиласан.



Мен кўндан бери Жанна д'Арк каби иродали, қатъиятли аёл образини яратишни орзу қиламан.

ҚОНУН БИЛАН КЎРИҚЛАНГАН

63-МОДДА. Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

64-МОДДА. Ота-оналар ўз фарзандларини воғда еттунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

65-МОДДА. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдиде тенгдирлар.

66-МОДДА. Воғда етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гам-хўрлик қилишга мажбурдирлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДАН.

Момо Ҳаво нафас қилган абадиёт

Ушлук Инобат отининг ҳазрати аёл - Биби Фотиманинг тўйлари ҳақидаги қиссаларини эслайм. Гарчи Фотимаи Заҳро ҳаётлари муҳаббат дostonларидан иборат бўлмаган эса-да, мен у кишининг қалби улкан муҳаббат уммонини ўзинга жойлаганини англайман. Ва шу қисса мазмунини ихчам бир кўринишда Сиз азизларга айтигим келди.

Айтсинлар... Тангридан шу розиликларга ҳужжат тилағайман. Ҳужжат қилиб муҳр босиб берсалар ушбу ҳужжати - бебаҳо сепимини қиёматга қадар асрағайман.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг севамли қизлари Биби Фотима билан ҳазрат Алининг никоҳлари арши Аълода фаришталар томонидан ўқилган эмиш. Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий юборишларки никоҳ ўқилди, энди тўйни бошламоқ керак.

Айтишларига қараганда ушбу ҳужжат Биби Фотима мазмунини қабрларига ўзлари билан қўйилмишидир. Энди ул киши Қиёмат кунини... шунча миғ мусулмоннинг гуноҳини сўраб Аллоҳнинг ҳузурига чигғайлар...

Ҳазрат Билол айтдилар, «Е Фотима, дедилар, Ҳақингизга солиқ биз. Уч миғ тилло, дедилар.

Биз нақадар ожиз бандалармики, кези келганда ақа-уқани, ота-онани севолаймиш. Бизнинг бугундаги баъзи қусурларимизнинг ўзи меҳр-муҳаббатсизлигимиздан. Эй, поно парваридоро, қизларимиз қалбига Биби Фотима муҳаббатидан қатра эндиргил, дилимизни обод этгил, барча яхшилар қаторида бизни ҳам, барча муслим ва муслималарни ёрлақани.

Ҳазрат Билол айтдилар, «Е Фотима, дедилар, Сақсий жаннатини солдик, Ҳақингизга, дедилар.

Отин оймлар рўмолчалари билан кўзларини ардилар. Армоқли хўрсиниш ила сўзида давом этдилар.

Ҳазрат Билол айтдилар, «Е Фотима, дедилар, Ҳуру малаикалар, Ҳақингизга, дедилар.

Ҳа, Муҳаббат қадимий ва ҳар дилда янгидан ёвуғчи ҳаёт чирғоғидир. Унинг ўқ илдизлари покликдан, софлик, ишончу иймондан озиқ олади... Биз уни асрай олмас, у бизни Момо Ҳаво нафас қилган саодатга етказ олмай. Илоҳим шундай қисмат умидли дилларга ёр бўлсин.



Бугунги аёл ким? У ўқитувчи, механизатор, чорвадор, олимпиа, врач... Ҳуллас ҳаётдаги жамият аъхчи-чучукини биз билан бирга баҳам кўрадиган елкадош. Мехрибон она, мушфиқ сингли, вафодор ёр... Жаннатда аёлларнинг ўрни бекиб. Дунёда қайсики йўналишида янгилик, ютуқ бор экан унда аёлларнинг хизматлари бекиб.

Байрамни байрам қиладиганлар ВА ҚАДРИНИ БАЛАНД БИЛАДИГАНЛАР ҲАҚИДА ҚАСИДА

Пилнинг қайси фаслида насиб қилишдан қатъий назар биз, аёллар, топган янги киришмишимизни «Саккизинчи мартта нитраман», деб санҳида солиб қўлимиз. Умрдошларимизнинг қўлини ўз учун мастликдан-росликдан мана ваъда бериб қўйган совғасини «Саккизинчи мартда берсалар керак» деган умидда юрамиз. Ҳазрат Фотимаи Заҳра ҳақидаги қисса мазмунини ихчам бир кўринишда Сиз азизларга айтигим келди.

Пирпираган ЧИРОҚ НУРЛАРИ Оила табиатнинг шоҳ асарларидан бирidir. Ж. САНТАЯНА. Оила мўъжазгина бир жамиятдир, бугун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жиқсизлигига боғлиқ. Ф. АДЛЕР. Ҳазрат Билол айтдилар, «Е Фотима, дедилар, Ҳуру малаикалар, Ҳақингизга, дедилар.

Ҳажон босилиб-босилмай, сурнай навоси қўлогингиздан кетиб-кетмай, биринчи висол кечасининг ҳам ширин, ҳам икки томон учун ибодил суҳбатини тинимай, сархуш кўзларингизга уйғуниб-нимай туриб, оқара бошлаган тонг билан бирга сизни узатиш келиб келишлардан қолган яхши қариндошларингиздан бирининг овоз кўзларингизни ярқ очиб, юрагингизни қаптар мисол потратгандир!

риндошлардан ҳам кўпчилиги йнгилади. — Ассалому алайкум, келин салом!!! Кувв томоннинг сизга атаб тайёрлаган сарполарингизга уйғуниб-нимай туриб, оқара бошлаган тонг билан бирга сизни узатиш келиб келишлардан қолган яхши қариндошларингиздан бирининг овоз кўзларингизни ярқ очиб, юрагингизни қаптар мисол потратгандир!

— Ассалому алайкум, келин салом!!! Бу гоят чиройли тadbирни ўтказишнинг ҳам ўз қонуни-қодалари бор. Нозик таъзим билан бу хонедона қиз бўлиб кирганингизни, шу хондоннинг катта-кичинини эъозлашга тайёр эканлигингизни ҳам билдирасиз. — Ассалому алайкум, келин салом! Аввал бошдан икки дунё сарвари Яратган Этамга салом! — Ассалому алайкум, келин салом! Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга салом! — Ассалому алайкум, келин салом! Келин янгалар Оллоҳ ва Пайғамбаримиз шайхларига айтилган анъанавий салом сўзларидан сўнг шу хондоннинг энг кексалигини бирма-бир тилага олиб

уларга келин саломи бақийиладана. Янги қариндошлар келинга атаб тайёрлаган совғаларини топширадиган, янги рўзгорнинг маълум даражада камиятини тўлдирадиган, келин ҳам уларга бу кун эсбатта. Инсоннинг қадриятини мезони унинг фазилатлари, оқибати, меҳр-муҳаббатиде эканини унутмаслик керак. Келиннинг саломи унинг уйдигаги биринчи субҳиде саломи билан тугайди. Инсоннинг қадриятини мезони унинг фазилатлари, оқибати, меҳр-муҳаббатиде эканини унутмаслик керак. Келиннинг саломи унинг уйдигаги биринчи субҳиде саломи билан тугайди.

керак. Эндилдикда халқ сайллари, байрамларда, Наврўзи оламда қўш-қўш келинларнинг саломи намойиш қилиниши бекиб эмас, улар «бахтли бўлинглар» иборасида халқ дуо-сини олишди. Мақсад, албатта, халқ удумини тeтpаштиришига эмас, келинлик ҳаракатларининг кўпга маъқул бўлган томонларини хондонларга ҳам кўчириш, файзан-гаштини юктиришдир. Шунинг учун ҳам: — Ассалому алайкум, келин сало-о-ом!-ни эшитган меҳри даре кишилари миз шу заҳотён:

— Алик сало-о-ом!—деб жаов бердилар.— Бахтли бўлинглар, қўша-қаринлар деб дуо қилдилар. Ҳар таъзиминингизни кўрганда, нозик саломингизни эшитганда мен ҳам сизни дуо қиламан: — Илоҳим, бахтибекам бўлинг, келин болам! Раҳима ШОМАНСУР қиз.

Кизлар гулдастаси

УЙИМДА БИР ШУЪЛА ЁНИҚ



Кунлар ўтар, адоғига етмайди биров, Тухтагин, деб қўлларидан тутмайди биров. Юрагининг наволарин ўнгрлар сабо, Киминки, деб унга савол қотмайди биров.

Кунлар ўтар, кунлар билан баҳсин бор менинг, Ўз бағрига солиб кетди саволларимни, Уша майин саболарда қасдим бор менинг — Нироқларга олиб кетди наволаримни.

Ака сенсиз ўтаётир кунларим менинг, Хумга банди девоनावаш унларим менинг, Кунгилми каби зим-зиедир тунларим менинг, Тилсимларга қодир эгам қўлласин сен.

Ортимдаги тоғим ўзинг, хувиллаб қолдим, Чашмаларинг қирғоғида мен қўллаб қолдим, Тонгларимни узун тунларга улаб қолдим, Тилсимларга қодир эгам қўлласин сен.

Мен ожиза, кўнгилдаги қудратим сенсан, Тунларимга киргувчи девкелбатим сенсан, Етти кўндан сураб турган ниятим сенсан — Тилсимларга қодир эгам қўлласин сен.

Эртаю кеч одим отган тунлоргинам, Товонлари дардга ботган беморгинам, Нозик ҳаёт бўйиндаги туноргинам, Тумор бўлсанг, сен ўзингни асра энди.

Эгуликнинг эш бўлгани бахтинг бўлди, Халқим дарди елкандаги яғирингдир.

Сен умрингни бердинг, кимнинг кўнгли тўлди? Ёл-улуснинг гами сенниг огирингдир.

Миллатининг ярми сенниг учун фарзанд, Бирн мўмин, қайси бири беради панд. Бариснга баробарсан кўёш монанд, Устоз бўлсанг, сен ўзингни асра энди.

Ота десам вужудимни кутди фахр, Юрагимдан таърифингга сўз тиландим, Сўга снмгас ҳисларининг дилга солиб — Она бўлиб, полапондек эркаландим... Отажоним, сен ўзингни асра энди.

Илаб-илаб истаганим тондимми мен, Мехр сураб ё саробга чоңдимми мен, Елғизман деб гоҳ эшигим ёндимми мен — Хонамда бир шуъла ёниқ, учмади ҳеч.

Гоҳи шодон, гоҳи ўксик бўлди бағир, Гоҳ кундузда зулматларга тўлди бағир, Знё илаб заъфаронлар бўлди бағир, Хонамда бир шуъла ёниқ, учмади ҳеч.

Омонларда ой тўлдими — излаганим, Гоҳо тўлиб, гоҳ ниматир — бўзлаганим, Дунё кезиб мен зорини сезмаганим... Хонамда бир шуъла ёниқ, учмади ҳеч.

Хонамда бир шуъла ёниқ — бағир бутун, Ой чиқса ҳам, чиқмаса ҳам ёришар тун, Иккинчига кундузларда йўқ экан кун, Хонамда бир шуъла ёниқ, учмади ҳеч.

Назира ас-САЛОМ.

ЮЛДУЗЛАРДАН ГУЛЛАГАН ФАЛАК

Тасодифи бахтга йўсан, Аллайсан соғинчларингни, Қисмат тошин қалбга қўсан, Ютуб ҳаёт қарғишларини, Масофалар умрдай узун, Ё умрдай қисқадир кунлар, Мен биламан, шоира қизин — Парвардигор бир кунин қўллар.

Кутмаганда кутилар шодлик, Олисларда соғинч йиғлайди, Қизга дунё туюлар тордек, Сабабини эса билмайди... Юлдузлардан гуллаган фалак, Сомон йўлини очади унга, Дил қатида тикилган палак, Олиб кетар бахтиёр кунга.

МАРЗИЯ.



ЮРАКДАГИ ГУЛЛАР

Кузинг сўнги тунин Булутларга бандидир осмон... Тутмоқ бўлиб кузинг баридан, Югуради шамоллар нолон — Соқтаренинг кўчаларида, Бошланади узун бир эртақ, Деразанинг кўчалари яхлаб, Дареларинг узун тилини — Шу тун кимдир кўяди боғлаб, Яп-ялагоч дарахтлар ҳорғин, Кўкка боқиб тилини тишлайди, Келинчақдай, саҳарга яқин — Кўйлагини кия бошлайди...

Она, сени соғиндим, ёмон, Кенглиларни соғинган каби, Мен биламан, юрсан ҳам омон — Хавотирда — куюнчақ қалбинг.

Салқин тонда жавзо тунлари Ухлаб ётар болалик ҳамон, Гарчаид энди уйғонмаса-да, Уша томини соғиндим ёмон...

Бир неча кун сабр этсак — тамом, У ёни — гул, у ёни — қўлдам, У ёнига ҳеч қимса ноқом — Қолмағайдир: ҳар бир кун-байрам, У ёнига наҳса девор ҳам Ошкор этар бағир қоянин, У ёнига ҳамма бетазъма — Еса, ейди ўзин нонини... У ёнига... Ҳозирча аёз, Боғлар жудроқ, бежажол, бесас... Юракдаги гулларин асраб, Қишдан омон чиқа олсан бас... Нодира АҲОҚОВА.



ЕТТИТА «ОЛТИН» ОЛИШДИ

Ортимизнинг ёш чарм қўлқоп усталари Ҳиндистонда мамлакатнинг 18-очик чемпионатида қатнашиб, зафар қўчишти. Саккиз боксчимиздан етти нафари шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилишти. Умуман мусобақада боксчилар 12 вазн тоифаси бўйича рингга чиқишган эди. Бундан кўриниб турибдики, «олтин» медалларнинг тенг ярмидан кўпроғига эғалик қилишган юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида ҳам табиий биринчи ўринни эғаллашти.

ВАКИЛЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ ҚОЗОҒИСТОҶДА

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энгил атлетика бўйича ўтказилган Халқаро турнирда ҳамюртларимиз мубаффақиятли қатнашдилар. Медебонлар жами 209 очко тўплаб, голиб чиқишти. Ҳамюртларимиз улардан атиги 10 очко кам жамғаришиб, иккинчи ўринни эғаллашти. Учинчи ўрин Хитой энгил атлетикачиларига насиб этди. Ушбу турнир спортчиларимиз учун май ойида Португалияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдида ўзи га хос кўрик вазифасини ўтади.


РЕКОРДЛАР, ВОҚЕАЛАР, НАТИЖАЛАР

ҚИШКИ Олимпиада ўйинлари якунланиши билан шохмот яна дунё матбуотининг диққат марказига кўчди. Негаки, иккига бўлинган шохмот оқимининг энг кучли гроссмейстерлари, жаҳон тождорлари — Гарри Каспаров ва Анатолий Карпов ўзаро «орани очик» қиладиган вазият юзага келди. Гап шундаки, бу икки шохмот «қир-роли» аини кунларда Испаниянинг Линарес шаҳрида ўтказилаётган халқаро турнирда қатнашишяпти. Турнирнинг еттинчи турида ўзаро дона сурадиган Карпов

ва Каспаров учрашувини шохмот мубахассислари но-расмий жаҳон чемпионатига қиёслашмоқда. Ҳозирча Ли-наресда беш тур учрашувлари якунланди. Барча партияларда ғалаба қозонган Карпов пешқадамлик қиляпти. Каспаровда эса тўрт очко бор. Ҳам ПША ҳам ХШФ па-ноҳида тож даъвогард, эи са-налаётган Аванд, Крамник ва Камский турнирда муваф-фақиятли дона суришяпти. Улар пешқадамлардан ке-йинги ўринларни эғаллаб ту-ришяпти.

Х. РАСУЛОВ

Анджондаги «ЎзЭКС» Ўзбек-Россия қўшма корхонаси ҳар томонлама қулай, ўз ўтишдошларидан фарқ қиладиган ЭО-3323-А маркали экскаватор ишлаб чиқара бошлади. Шуниси муҳимки, у занжирлар ёрдамида эмас, шинали гидр-раклар ёрдамида ҳаракатга келади. Чўмичлар ўрнини истаган вақтда чангакка, омонч ёки бетонтошларни тешишга мўжалланган гидравлик болгага алмаштириб ишлатиш мумкин.



Экскаваторнинг техник кўрсаткичлари:

- 1. Гидро узатмалардаги ўртча босим - 25(250) ... 28(280)
2. Юқори ҳаракатланиш тезлиги км/с - 19,4.
3. Вазни - 14 т.
4. Баланд юклаш қобилияти - 6,16 м.

Халқ хўжалигида ишлатишга қулай техникани соғиб олишга шотилинг. Баҳоси келишилган нарҳда.

Манзилимиз: 710011, Анджон шаҳри, Индустриальная кўчаси, 4, СП «ЎзЭКС»

Телефон: 6-83-25, 6-26-56
Факс: (37422) 6-21-08
Телегайп: 168111 «ТРУД»

Advertisement for 'ТЕХНЕЗИС-ИНФО' featuring computer software like Windows 3.1, Word for Windows 2.0, Excel 4.0, etc. Includes contact info: тел. 67-23-60, факс 67-85-86.

Advertisement for Procter & Gamble products in Uzbekistan, listing various toiletries and contact information for the local distributor.

Advertisement for 'Ўзбекистон Республикаси' featuring various services and products, including 'Федосия Захаровна ТАХТИНА' and 'Зокир Мўталович РОЗИҚОВ'.

Large advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for subscriptions and advertising rates.